

Татаристон мусулмонлари бемор болаларга ёрдам кўрсатдилар




10:30 / 20.05.2021 2497

Рамазон ойида Татаристон Республикасидаги мусулмонлар оғир касал болаларга ёрдам бериш ва муҳтож оилаларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун маблағ тўпладилар. Бу ҳақда [ria.ru](#) манбаси хабар берди.

Рамазон ойи бошида 13 апрел куни Татаристон Республикасида Мусулмонлар маънавий бошқармаси ташаббуси билан "Рамазон - эзгу ишлар ойи" анъанавий хайрия марафони бошланди. Пандемия туфайли юзага келган оғир иқтисодий вазиятга қарамай, Татаристон мусулмонлари акция доирасида кўплаб ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишди. Татаристон Республикаси Мусулмонлари Идораси Бошқармасининг "Закот" хайрия жамғармаси 30 кун давомида Татаристон халқи туфайли оғир касал болаларни даволаш, кам

таъминланган оилаларга озиқ-овқат ёрдами учун маблағ йиғишга муваффақ бўлди.

Image not found or type unknown



Татаристоннинг турли ҳудудларидан келган кўнгиллилар 19 нафар оғир касал болаларга ёрдам бериш учун маблағ йиғганлар. Бундан ташқари, Рамазон ойида махсус хайрия қилинган фитр-садақа сифатида йиғилган ёрдам муҳтож оилаларга топширилган.

Натижада, Татаристон Республикаси Муслмонлари Идораси Бошқармаси "Закот" хайрия жамғармасининг махсус карточкасига қарийб 1 миллион рубл миқдоридаги маблағлар келиб тушган.

Шу жумладан, 790 кўп фарзандли оилаларга, отаси ёки онасидан ажраган оилаларга ва оғир касал болаларни тарбиялаётган оилаларга умумий ҳажми беш тоннадан ортиқ бўлган озиқ-овқат тўпламлари топширилган.

Иккинчи жаҳон уруш ғалабасининг 76 йиллиги муносабати билан республиканинг барча жойларидан ҳурматга сазовор бўлган 110 нафар фахрийларга совғалар топширилди. Улар орасида Татаристон имомлари ҳам бор.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи